

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ОРТИҚОВ БОБОМУРОД БАЙМАМАТОВИЧ**

**COVID -19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАР**  
**ОВҚАТЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА**  
**ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ортиқов Бобомурод Баймаматович**

COVID -19 инфекцияси билан оғриган беморлар овқатланиш ҳолатини  
гигиеник таҳлил қилиш ва илмий асослаш..... 3

**Ортиқов Бобомурод Баймаматович**

Гигиенический анализ и научное обоснование нутритивного статуса  
больных с инфекцией Covid-19..... 29

**Ortikov Bobomurod Baymamatovich**

Hygienic analysis and scientific substantiation of the nutritional status of  
patients with COVID-19 infection..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**ОРТИҚОВ БОБОМУРОД БАЙМАМАТОВИЧ**

**COVID -19 ИНФЕКЦИЯСИ БИЛАН ОҒРИГАН БЕМОРЛАР  
ОВҚАТЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ГИГИЕНИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА  
ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

**14.00.07 – Гигиена**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2708 рақам билан рўйхатга олинган**

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилди.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.bsmi.uz](http://www.bsmi.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Шайхова Гули Исламовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Камилова Роза Толановна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Искандарова Шахноза Тукиновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот** **Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тел./Факс:(+99878)150-78-25,e-mail:tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2023 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Ф.И.Саломова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Г.Т.Искандарова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти овқатланиш омилини карантин ва ўз-ўзини изоляция(алоҳидалаш) қилиш шароитида аҳоли саломатлигини сақлашнинг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этади. Нутрициология соҳасида фаолият юритувчи «...дунёнинг барча мутахассислари овқатланиш ва коронавирус инфекциясининг ривожланиши ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганиш юзасидан фаол тадқиқотлар олиб бормоқдалар...»<sup>1</sup>. COVID-19 инфекциясининг янги пандемияси даврида организмни зарур витамин ва минераллар билан таъминлаш инсон иммунитетига таъсир қилувчи муҳим омил бўлиб ҳисобланади. D витамини етишмовчилиги нафақат калций гомеостазининг бузилиши билан боғлиқ касалликларнинг ривожланишига олиб келади, балки юқумли касалликлар ривожланиш хавфини ҳам оширади. Ҳозирги вақтда E витамини тананинг иммун тизими фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиши ва бир қатор юқумли касалликлардан (шамоллаш, ўткир респиратор касалликлар ва б.) ҳимоясини таъминлаши исботланган. Селен микроэлементининг етишмовчилиги инсон организмда туғма ва мослашган (адаптив) иммунитетнинг пасайишига олиб келади, унинг ортиқча миқдори эса лейкоцитларни фаоллаштиради, респиратор дистресс синдроми бўлган беморларда яллиғланиш реакциясини модуляция қилади, шунингдек, ўпка тўқималарининг антиоксидант хусусиятларини тиклайди. Рух кўплаб ферментларни ва тананинг иммун ва антиоксидант реакциясини фаоллаштирадиган муҳим микроэлемент ҳисобланади.

Бутун дунёда коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларнинг овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил қилиш, беморларнинг овқатланиш статусини, янги озуқавий маҳсулотларга техник шароитларни ишлаб чиқиш ва токсикологик хавфсизлигини таъминлаш, янги ихтисослаштирилган озуқавий маҳсулотларни озуқавий ва биологик қийматини, витамин, минерал моддалар билан бойитилган ва миллий таомлар киритиш билан янги даволаш парҳезини ишлаб чиқиш ҳамда COVID-19 билан хасталанган беморларда янги ихтисослаштирилган озуқавий маҳсулотлар асосида миллий таомлар киритилган даволаш парҳезининг самарадорлигини баҳолаш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Коронавирус билан хасталанган беморларда даволаш парҳезларининг самарадорлигини, овқатланишни оптималлаштириш ва короновирус билан хасталанган аҳоли қатлами учун янги маҳсулотларни киритган ҳолда таомланиш тартибини ишлаб чиқиш каби соғломлаштириш чораларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, овқатланиш билан боғлиқ алиментар касалликлар натижасида юзага келадиган овқатланиш

---

<sup>1</sup> Laviano, Alessandro, Angela Koverech, and Michela Zanetti. "Nutrition support in the time of SARS-CoV-2 (COVID-19)." *Nutrition (Burbank, Los Angeles County, Calif.)* 74 (2020): 110834.

статусини бузилишини ташхислаш, даволаш ва асоратларини олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни тадбиқ этиш, касалланиш даражасини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларни олдини олиш ва ҳаёт давомийлигини ошириш...»<sup>2</sup> вазифалари белгиланган. Аҳолини соғлом овқатланиш мезонларига риоя этиши ва коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморлар овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил қилиш ва илмий асослаш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 18 декабридаги 4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолини жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 10 ноябрдаги 4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Республикада аҳоли иммунитетини ошириш мақсадида ҳамда COVID-19 нинг олдини олишда озиқ-овқат, витаминлар ва минералларни ўз ичига олган далилларга асосланган янги профилактик парҳез мавжуд эмас ва ушбу йўналишда ҳозирга қадар мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бугунги кунда нафақат ривожланаётган мамлакатларда, балки дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида, жумладан, АҚШ, Канада, Янги Зеландия, Хитой, Япония, Россия ва бошқа мамлакатларда ҳам аҳоли орасида тез тайёрланадиган таомларни (Fastfood) истеъмол қилиш, калций, магний, уларнинг таркибидаги минерал моддалардан кўрғошин ва витаминлар овқатланиш

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

билан боғлиқ йод танқислиги, ортиқча вазн ва семириш каби муаммоларнинг олдини олишда профилактика ва парҳез овқатланишни ташкил этиш ва уларнинг ривожланиши учун шароит яратиш бир қатор муаллифларнинг илмий тадқиқотларида кўриб чиқилган [Лысиков, Ю. А., 2020; Тутельян В.А., Никитюк Д.Б., Бурляева Е.Ф., Хотимченко С.А., Батулин А.К., 2021; Jolliffe D. A., Griffiths C. J., Martineau A. R., 2013; Grant W. B., Lahore H., McDonnell S. L., Baggerly C. A., French C. B., Aliano J. L., Bhattoa H. P., 2020]. Аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлашда соғлом ва мутаносиб овқатланишни таъминлаш, овқатланиш манбаи ва кунлик рациондаги микроэлементлар етишмаслигини олдини олиш муҳим аҳамиятга эга эканлиги исботланган [Каронова Т.Л., 2020; Пилат Т.Л., 2021; Dushianthan A., 2019; Barazzoni R., 2020]. Аҳолининг ривожланиши бўйича белгиланган меъёрларда микроэлементларнинг етишмаслиги натижасида ривожланадиган хасталикларни таҳлил натижаларига асосан, бугунги кунда бир қатор кенг қамровли тадқиқотлар олиб боришни талаб этади.[Коденцова В. М., 2017; Санькова М. В., 2022]. Хорижий олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда таъкидланишича, даврий соғлом овқатланишни таъминлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади [Чичкова Н. В., 2020; Aguila E. J. T., 2020].

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари орасида соғлом овқатланиш билан боғлиқ касалланиш ҳолатини баҳолашга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилиб келинмоқда [Шайхова Г.И., 2019, 2021; Камилова Р.Т., 2021; Отажонов И.И., 2018, 2020; Алимухамедов Д.Ш., 2018; Хайитов Ж.Б., 2020; Эрматов Н.Ж., 2021; Азимов Л.А., 2022], бироқ, бугунги пандемия шароитида COVID-19 билан хасталанган беморларнинг соғлом овқатланиш ҳолати ва нутриентив статусини кенг қамровли ўрганиш бўйича илмий изланишлар етарли даражада олиб борилмаган.

Ҳозирга қадар республикада аҳоли иммунитетини ошириш ҳамда COVID-19 касаллигининг олдини олишга қаратилган, озиқ-овқат маҳсулотлари, витамин ва минерал элементлардан иборат далилларга асосланган янги профилактик маҳсулот ишлаб чиқилмаган, ҳамда ушбу йўналишда мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №03–4974 «Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли гуруҳлари саломатлик кўрсаткичларини биотиббиёт, ижтимоий-гигиеник, экологик ва бошқа хавф омилларининг таъсирини ҳисобга олган ҳолда комплекс ўрганиш асосида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш» (2018-2022 йй) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларни рационини замонавий янги ихтисослаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан бойитиш орқали уларнинг соғлом овқатланишини гигиеник жиҳатдан асослаш ва такомиллаштириш.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

коронавирус инфекцияси (COVID-19) билан хасталанган беморларнинг мутлақ овқатланиш ва овқатланиш статусини гигиеник жиҳатдан таҳлил қилиш;

янги ихтисослаштирилган озуқавий маҳсулотларнинг озуқавий ва биологик қийматини баҳолаш;

янги ихтисослаштирилган озуқавий маҳсулотларга техник шартлар ва технологик йўриқномалар ишлаб чиқиш ва токсикологик хавфсизлигини таъминлаш;

коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларда янги ихтисослаштирилган озуқавий маҳсулотлар самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика махсус 1- ва 2- сон Зангиота (Зангиота туманида ихтисослаштирилган кўп тармоқли шифохонаси) шифохоналари базасида COVID-19 ташхиси билан даволанаётган 938 нафар (375 нафар эркаклар ва 563 нафар аёллар) беморлар ва янги ихтисослаштирилган озуқавий маҳсулотлардан «Имбир» ва «Қора седана» юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулалари, тажриба ҳайвонлари (зотсиз оқ каламушлар-эркак, ёрқин рангли денгиз чўчқалари ва қуёнлари) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларнинг кунлик овқатланиши, беморларнинг қон таҳлиллари, янги ишлаб чиқарилган «Қора седана» ва «Имбир» юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулаларнинг озуқавий ва биологик қиймати, коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморлар янги озиқ-овқат маҳсулотларининг самарадорлиги баҳолаш натижаларининг материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун гигиеник, анкета-сўровнома, органолептик, физик-кимёвий, биологик, токсикологик, клиник ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларда овқатланиш статуси (озуқа ва метаболик компонентлар) асосланган;

илк бор Республикада «Қора седана» ва «Имбир» сақловчи юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулалар учун техник шартлар ва технологик йўриқномалар ишлаб чиқилган;

таркибида «Қора седана» ва «Имбир» сақловчи юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулаларнинг тиббий-биологик хавфсизлиги исботланган;

коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларда “Қора седана” ва “Имбир” юмшоқ ва қаттиқ желатин капсулаларининг самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларнинг кунлик рационали барча жиҳатлари билан гигиеник меъёрларга жавоб бермайди: парҳезга риоя қилмаслик, кун давомида кеч овқатланиш, юқори қувватли овқатларни истеъмол қилиш, рационни карбонсувларга бой озиқ-овқатлар

билан бойитиш, озиқ-овқат қўшимчалари мувозанатининг бузилиши;

озиқ-овқат маҳсулотларининг тиббий ва биологик жиҳатдан хавфсизлигини асослайдиган услубий тавсиянома ишлаб чиқилган ва уларни белгиланган тартиб асосида тайинлаш ва фойдаланишга рухсат берилган;

биринчи марта «Nuta nutrimakon» (Ўзбекистон) билан ҳамкорликда иммунитетни мустаҳкамлашга қаратилган «Қора седана» ва «Имбир» препарати учун техник шартлар ва технологик йўриқномалар ишлаб чиқилган;

биринчи марта коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларда «Қора седана» ва «Имбир» юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулаларининг профилактик самарадорлиги асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи аналитик, гигиеник, клиник, лаборатор инструментал ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, коронавирус билан хасталанган беморларнинг овқатланиш статусини коррекциялашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки таркибида «Қора седана» ва «Имбир» сақловчи юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулалари юқори биологик қийматга эга бўлиб, коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларнинг туғма ва адаптив иммунитет тизимини қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутадиган витамин ва минералларни сақлайди. Таркибида имбир ва қора седана сақловчи юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулаларининг органолептик, физик-кимёвий, биологик текширувлари ўрганилиб, тиббий ва биологик жиҳатдан хавфсизлиги баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Қора седана» ва «Имбир» каби янги озиқ-овқат маҳсулотини ишлаб чиқишдан иборатдир. Коронавирус инфекциясидан азият чекадиган беморлар учун янги маҳсулотлар ва миллий таомларнинг киритилиши метаболизм жараёнининг меъёрлашишини таъминлайди; ошқозон-ичак тизимининг иши; метаболизмни коррекция қилиш; жигар ва ўт пуфагининг функционал ҳолатини яхшилаш, тананинг қувват ва асосий озуқа манбаи ҳисобланган витаминлар, макро ва микроэлементларга бўлган эҳтиёжини қондириш имконини бериш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** COVID -19 инфекцияси билан оғриган беморлар овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил қилиш ва илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Коронавирус билан хасталанган беморлар саломатлик ҳолатини яхшилаш ва уни олдини олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида «Коронавирус билан касалланган беморлар учун желатинли капсула- қора седанинг озуқавий

ва биологик қийматини ўрганиш усули» услубий тавсиянома ишлаб чиқилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 03 октябрдаги 8н-р/1321-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома аҳолининг саломатлигини ва иш қобилиятини тиклашга олиб келди;

коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморлар овқатланиш ҳолатини гигиеник таҳлил қилиш ва илмий асослаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига жумладан, Ўзбекистон Республикаси санитария эпидемиология осайишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Бухоро вилояти Соғлиқни сақлаш бошқармасининг амалий фаолиятига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 24 ноябрдаги 08–37259–сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши коронавирус билан хасталанган беморларнинг сифатли овқатланишини ташкил этиш, саломатлик ҳолатини мустаҳкамлаш бўйича тизимли профилактик ва соғломлаштириш тадбирларини йўлга қўйиш, витамин ва минерал моддаларнинг етишмаслиги натижасида юзага келадиган касалликлар ривожланишини эрта олдини олиш, ҳамда ўз вақтида баҳолаш кўникмаларини ҳосил қилиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 109 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш рўйхати, ишнинг апробацияси натижалари, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Коронавирусда тўғри овқатланиш»** деб номланган биринчи бобида хорижий ва маҳаллий адабиётларда COVID -19 инфекцияси билан оғриган беморларнинг аҳволи, унинг этиологияси ва касалликнинг босқичларида мавжуд овқатланиш муаммолари, ташхис ва таснифи бўйича қарашлар ўрганилган. Касалликнинг клиник кўринишларини баҳолаш мезонлари, COVID -19 инфекциясининг олдини олиш, ташхислаш ва даволашга замонавий ёндашувлар бўйича кўплаб тадқиқотлар натижалари келтирилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, ушбу муаммони илмий ҳал қилишда муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **«Тадқиқот материаллари ва гигиеник таҳлил усуллари ва COVID-19 билан касалланган беморларнинг овқатланишини илмий асослаш»** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари ва усуллари, умумий тавсифлари ва тадқиқот босқичлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Янги маҳсулотлар желатинли капсулалар учун капсула шаклида ишлаб чиқарилган ТИ 202224500-7:2019 «Қора седана» ва «Имбир» техник шартлар ва технологик регламентлар (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган) ишлаб чиқилган. Синовдан ўтказилган янги ичимлик озиқ-овқат капсулаларининг физик тавсифида «Қора седана» ва «Имбир» куйидаги кўрсаткичлар ўрганилди: намлик, кислоталик, капсула таркибидаги оқсил миқдори (15113,4-91, 15113,5-91, 202239-91)

Тажриба намуналарини кимёвий таркиби Кельдал усули бўйича хом протеин (ГОСТ 0846-91); - Сокслет тизими аппаратида, умумий липидлар С.В.Рушковский усули бўйича (ГОСТ 0846-91) муфель печидан фойдаланган ҳолда баҳоланган(А.П. Ермаков, 1972).

Токсикологик тадқиқотлар «Инсон организмига кимёвий маҳсулотларнинг таъсири бўйича синов ўтказиш усуллари. Ўткир перорал захарлилик ўткир захарлилик синфларини аниқлаш усуллари» ГОСТ 32644, «Ҳайвонлардаги тажрибаларда овқатга қўшилаётган озуқавий ва биологик фаол қўшимчаларни токсикологик текширишдан ўтказиш бўйича услубий қўлланма» № 012-3/0312 сонли УҚ, ДавСТ «Инсон организмига кимёвий маҳсулотларнинг таъсири бўйича синов ўтказиш усуллари. Кемирувчиларга такрорий марта оғиз орқали юборилганда уларнинг захарлилигини аниқланмаган. 28-кунлик тест» сонли Дав СТ 32641, Дав СТ 32375 га мос ҳолда умумзахарли таъсирни ривожланиш имкониятини баҳоланишини

ҳисобга олиш билан сенсбилизация хусусиятини ўрганиш ўтказилди. Қоннинг биокимёвий таҳлили стандарт усуллар (АСТ, АЛТ, ИФ, умумий оқсил- Cypress Diagnostics реактивлар жамланмаси, Бельгия) бўйича (Cypress Diagnostics, Бельгия) дастур таъминоти ёрдамида, «СУANSmart» - ярим автоматик биокимёвий анализаторда олиб борилди, периферик қоннинг кенгайтирилган таҳлили Горьев камерасида аниқланди.

Тажриба тадқиқотлари амалдаги норматив-услугий базага мос ҳолда лаборатор ҳайвонларида (зотсиз оқ каламушлар ва сичқонлар, денгиз чўчқалари ва қуёнлар) ўтказилди. «Тажрибалар ва бошқа илмий мақсадлар учун фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси» қўлланмасидан (Страсбург, 1985) фойдаланилди.

Янги ишлаб чиқарилган юмшоқ ва қаттиқ желатин капсулалари «Қора седана» ва «Имбир» профилактик маҳсулотининг капсула таркибидаги сувли суспензиясидан (сувда эрувчанлиги 100%) фойдаланилди. Эритувчи сифатида дистилланган сув. Кўп миқдорларни меъда ичига юбориш мақсадида бўлиб-бўлиб киритиш усулидан фойдаланилди.

Тажриба ҳайвонлари кузатиш соатлари чегарасида (16-20 соат) тадқиқот объектини тана оғирлигининг мг/кг ҳисобидан доза қабул қилган бўлсалар, назорат гуруҳи мос миқдордаги дистилланган сувни қабул қилди. Ҳайвонларни овқатлантириш белгиланган доза киритилгандан сўнг 3 соат ўтиб амалга оширилди.

Ўлим/фалажлик: акклиматизация давомида ҳар куни ва тажрибанинг биринчи кунидан то охиригача, препаратни қабул қилишгача ва тажриба якунида ҳайвонларнинг тана оғирлигини ҳисоблаш.

Клиник белгилар: акклиматизация давомида ҳар куни ва биринчи кун доза киритилгандан сўнг 4 марта (1,2,3 ва 4 соат ўтиб), кейинчалик заҳарлиликнинг клиник белгилари пайдо бўлишига боғлиқ ҳолда, кузатувларнинг бутун даври мобойнида ҳар куни 1 марта. Барча ўзгаришлар қайд этиб борилди.

Кейинги босқичда коронавирус билан хасталанган беморларда анкета-сўровнома ўтказиш асосида уларнинг амалдаги овқатланиши ўрганилди. Материалларни йиғиш 7 кун давомида беморлар томонидан амалда истеъмол қилинадиган маҳсулотларни шахсий варақада қайд этиб бориш билан қиш-баҳор ва ёз-куз мавсумида ўтказилди. Коронавирусли беморларни амалдаги овқатланиши анкета-карталари ёрдамида ўрганилди. Сўровномани ўтказишда амалдаги овқатланишни ўрганиш учун Болалар, ўсмирлар ва овқатланиш гигиенаси кафедраси ходимлари (ТГА) томонидан ишлаб чиқилган сўровномадан фойдаланилди, бунда беморлар томонидан истеъмол қилинган овқатланиш маҳсулотлари қайд этилди, сўнгра ўртача кунлик кўрсаткичлар ҳисоблаб топилди. Кунлик рационда асосий озуқавий моддалар миқдори ва рационларнинг энергетик қиймати озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркиби жадваллари бўйича ҳисобланди. Олинган натижалар озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг ўртача кунлик рационал меъёрлари билан солиштирилди (Сан Қ ва М 0007-20).

Тадқиқотларнинг охириги босқичида профилактик қаттиқ ва юмшоқ желатин капсулалари «Қора седана» ва «Имбир» янги озучавий маҳсулотининг самарадорлиги ўрганилди. Тадқиқотлар республика махсус “Зангиота-1” ва “Зангиота-2” шифохоналарида ўтказилди. Коронавирус билан хасталанган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 938 нафар беморлар кузатувга олинди. Беморларнинг ўртача ёши  $51,6 \pm 0,82$  ни ташкил этди (1-жадвал).

1-жадвал.

Коронавирусдан азият чекувчи беморларнинг ўртача ёши (%да).

Ёши, йил	Аёллар, n=563	Эркаклар, n=375	Умумий сони, n=938
<18	26 (4,6)	13(3,5)	39(4,2)
18-29	34 (6,1)	20 (5,3)	54 (5,8)
30-39	53 (9,5)	62 (16,5)	115(12,3)
40-59	221 (39,2)	152 (40,5)	373(39,8)
60>	229(40,7)	128(34,1)	357(38,1)

Янги озучавий маҳсулотларнинг самарадорлигини ўрганиш даврида тана вазни, ВМІ, бел айланасини баҳолаш ўтказилди. Клиникада шифокорлар билан ҳамкорликда қондаги гемоглобин, эритроцит, унинг зардобиди АЛТ, АСТ, пешобда мочевино, креатинин ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш билан қоннинг биокимёвий таҳлилинини ўз ичига олган клиник-амбулатор текширишлар ўтказилди. Текширишлар тажрибанинг бошида ва охирида бажарилди, шифохонада беморлар №11 стандарт парҳезини қабул қилдилар. Уни буюришдан мақсад: тўлақонли овқатланишни таъминлаш, овқат ҳазм қилиш тизимининг секретор фаолиятини нисбатан тезлаштириш, ҳаракатланиш фаолиятини меъёрлаштиришга қаратилган эди.

Тадқиқот натижасида олинган маълумотлар статистик қайта ишлашнинг тузилган функцияларидан фойдаланиш билан Microsoft Office Excel-2013 дастур пакети ёрдамида шахсий компьютерида статистик қайта ишланди.

Бирламчи маълумотларни миқдорий таҳлил қилиш учун вариацион қаторларни таҳлил қилишнинг статистик усули қўлланилди. Тадқиқот давомида компьютар дастурига тана вазни кўрсаткичлари, интоксикациянинг клиник белгилари, лаборатория ҳайвонларининг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлари, анкета маълумотлари, коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларнинг гематологик ва биокимёвий кўрсаткичлари киритилди.

Лаборатория ҳайвонларининг экспериментал ва назорат гуруҳлари, коронавирус инфекцияси билан хасталанган беморларнинг 2 та асосий ва назорат гуруҳи маълумотлари ўртасидаги фарқнинг аҳамияти 5% аҳамиятлилиқ даражаси ( $p \leq 0,05$ ) асосида Стюдент t-мезони асосида баҳоланди.

Диссертациянинг «Қаттиқ ва юмшоқ желатин «Қора седана» ва «Имбир» капсулаларининг токсикологик кўрсаткичлари ва озучавий ҳамда биологик қиймати» деб номланган учинчи бобида «Қора седана» ва

«Имбир» қаттиқ ва юмшоқ желатин капсулаларининг озучавий, биологик қийматининг ва токсикологик хусусиятларини баҳолаш натижалари тақдим этилган.

«Қора седана» ва «Имбир» мойлардан минераллар, витаминлар, ўсимлик экстрактлари, шунингдек, юмшоқ ва қаттиқ капсулалар шаклида аралаштириш ва кейинчалик ишлаб чиқариш орқали бошқа моддалар қўшиш орқали пресслаш усулида тайёрланади.

Юмшоқ желатин капсулалари «Имбир» нинг органолептик кўрсаткичлари ҳам худди қора седана капсуласи каби шаклга эга бўлиб, ҳиди ва ранги эса маҳсулот таркибидаги хом ашёнинг устунлик таркибига қараб ўзгариб туради.

2-жадвалда ўрганилган янги маҳсулотларнинг озучавий қиймати келтирилган.

2-жадвал

«Қора седана» ва «Имбир» қаттиқ желатин капсулаларининг озучавий қиймати,  $M \pm m$

Таркиби	Қора седана	Имбир	p
Оқсиллар, гр	19,8±0,69	1,8±0,10	0,001
Ёғлар, гр	14,6±0,47	0,8±0,08	0,001
Углеводлар, гр	11,9±0,67	15,8±0,56	0,001
Озучавий толалар, гр	38,0±0,69	2,0±0,28	0,001
Сув, гр	10,0±0,39	79,0±1,24	0,001
Қувватмандлиги, ккал	333,0±1,86	80,0±1,45	0,001

Озучавий қийматни ўрганиш натижалари шуни кўрсатдики, «Қора седана» маҳсулотининг 100 грамида «Имбир» маҳсулотга нисбатан кўпроқ оқсил (11 марта), ёғ (18,3 марта) ва озиқа толаси (19 марта) ни сақлайди ( $<0,001$ ). Шу билан бирга, «Имбир» эса «Қора седана»га нисбатан 1,3 баравар кўп миқдордаги карбонсувлар ( $15,8 \pm 0,56$  га нисбатан  $11,9 \pm 0,67$  г,  $p < 0,001$ ). «Қора седана» нинг қувватмандлиги таркибидаги оқсил ва мойлар ҳисобига «Имбир» маҳсулотига нисбатан анча (4,2 марта) юқори.

Тадқиқотда биз «Қора седана» ва «Имбир» маҳсулотларининг витаминлар таркибини ўргандик (3-жадвал).

3-жадвал

«Қора седана» ва «Имбир»даги витаминлар миқдори, ( $M \pm m$ )

Витаминлар	Қора седана	Имбир	p
А, мкг	18,0±0,46	0,6±0,01	0,001
В <sub>1</sub> , мг	0,4±0,04	5,0±0,001	0,001
С, мг	21,0±0,54	1,7±0,20	0,001
D, мкг	3,1±0,40	0,26±0,03	0,001
Е, мг	2,5±0,14	0,10±0,01	0,001
К, мкг	4,0±0,60	0,8±0,01	0,001

PP,мг	3,6±0,21	0,6±0,01	0,001
-------	----------	----------	-------

100 г миқдордаги «Қора седана» таркибида витамин А (30 марта), витамин С (12,4 марта), витамин D (11,9 марта), витамин Е (25 марта), витамин К (5,3 марта) ва витамин РР (6 марта) га кўплиги аниқланди. Ҳолбуки, «Имбир» ўз таркибида кўп миқдорда витамин В1 сақлаши билан ажралиб турди (100 г маҳсулотда 5,0±0,001 га нисбатан 0,4±0,04 мг; p<0,001).

4-жадвалда ўрганилган «Қора седана» ва «Имбир» маҳсулотлари таркибидаги минерал моддаларнинг қиёсий таҳлили тўрисидаги маълумотлар берилган.

4-жадвал.

«Қора седана» ва «Имбир» таркибидаги минерал моддалар миқдори,

M±m

Минерал моддалар	Қора седана	Имбир
Макроэлементлар		
Калий, мг	1351±11,931	415±2,717
Кальций, мг	689±11,661	16±0,466
Магний, мг	258±4,112	43±0,768
Натрий, мг	17±0,347	13±0,505
Фосфор, мг	568±7,425	34±0,529
Микроэлементлар		
Темир, мг	16,23±0,241	0,602±0,036
Селен, мкг	12,1±0,254	0,7±0,037
Рух, мг	5,5±0,113	0,34±0,037

Озиқ моддаларнинг қиёсий таҳлилидан 100 г «Қора седана» таркибидаги макроэлементлар (К - 3,3 мартага, Са - 43,1 мартага, Mg - 6 мартага, Na - 1,3 мартага, P - 16,7 мартага) ва микроэлементлар сезиларли даражада (Fe - 27 мартага, Se - 17,3 мартага ва Zn - 16,2 мартага) кўплиги кўриниб турибди.

Шундай қилиб, «Қора седана» ва «Имбир» қаттиқ ва юмшоқ желатин капсулаларида вирусли касалликлар, шу жумладан COVID-19 да иммунитетни ошириш учун барча зарур макро ва микроэлементларни сақлайди. Аммо шуни ҳам таъкидлаш зарурки, 100 г миқдордаги «Қора седана» маҳсулоти ўз таркибида «Имбир»га қараганда сезиларли миқдорда кўп оқсил ва ёғлар, А, С, D, Е, К ва РР витаминлари, шунингдек, К, Са, Mg, Na P, Fe, Se ва Zn, (p<0,001) минералларини сақлайди.

Ушбу маҳсулотлар учун ДавСТ стандарти ва Тошкент шаҳар УСЭБОЗ, ЎзР ССВ томонидан ТИ 202224500-7:2019 билан тасдиқланган, «Истеъмол қилинадиган қаттиқ ва юмшоқ желатинли капсулалар» га технологик йўриқнома ишлаб чиқилган.

Ушбу бобнинг кейинги босқичида биз «Қора седана» ва «Имбир» қаттиқ ва юмшоқ желатин капсулаларининг токсикологик кўрсаткичларини ўргандик. Лаборатория ҳайвонларининг ошқозонига ўрганилаётган озуқа моддаларининг максимал дозаси одамлар учун тавсия этилган максимал суткалик дозадан 4 баравар юқори дозани ташкил қилди. Кузатишнинг кейинги кунда ҳайвонларнинг вазни ортди, ташқи таъсирларга нормал

реакция кўрсатди ва ҳар иккала экспериментал гуруҳдаги ҳайвонларнинг умумий ҳолати ва хатти-ҳаракатлари ҳам қониқарли кўрсаткичларни қайд этди. Барча ҳайвонлар фаол эди ва бемалол эркин равишда овқат истеъмол қилдилар, ҳайвонларнинг жун қопламалари ва кўринадиган шиллик пардаларда ўзгариш кузатилмади. Барча кузатув даври давомида ҳайвонларнинг ўлими қайд этилмади. Тажрибада олинган ҳайвонлар учун ўрганилган «Қора седана» ва «Имбир» маҳсулотларининг ўртача ҳалокатли дозасига (ЛД<sub>50</sub>) эришилмади. Оқ каламушларнинг жинсга қараб препаратга сезгирлигида фарқлар аниқланмади. Шундай қилиб, токсикометрия натижалари ва ўткир заҳарланишдан кейинги стандарт даврда экспериментал ҳайвонлар бўйича кузатув маълумотлари гигиеник таснифга кўра «Қора седана» ва «Имбир» ни деярли заҳарли бўлмаган препаратлар (ГОСТ 12.1.007 бўйича IV хавфлилик даражаси ёки деярли паст хавфли) деб таснифлаш имконини беради.

Шиллик қаватларга таъсири 2 та қуёнда ўрганилди. Қуённинг чап кўзининг конъюнктивал қопчасига бир марта кукуннинг сувли эритмасидан 0,05 мл инокуляция қилинди, ўнг кўз назорат бўлиб хизмат қилди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, «Қора седана» ва «Имбир» юмшоқ ва қаттиқ желатин капсулалари экспериментал ҳайвонларнинг соғлигига салбий ёки қўзғатувчи таъсир кўрсатмади.

Препаратларни аллергия таъсири бўйича олиб борилган тажрибаларда (тажриба гуруҳида 6 денгиз чўчқалари ва назорат гуруҳида 6 денгиз чўчқалари) денгиз чўчқалари қулоғининг ташқи юзаси териси остига 0,02 мл 50%ли эритманинг фармакологик шакли ва суюлтирилган физиологик эритмани бир марта юбориш баҳоланди. Солиштириш учун назорат гуруҳи ҳайвонларига 0,02 мл физиологик эритма юборилди. Сенсибилизацияни аниқлаш эритма киритилгандан кейин 12-14 кун ўтиб ўтказилди. Синов тести жаттижаларини баҳолаш натижаларига асосан: Денгиз чўчқалари организмни бир марта сенсибилизация қилишдан сўнг, ўрганилган «Қора седана» ва «Имбир» маҳсулотлари сенсибилизация қилиш хусусиятларга эга эмаслиги аниқланди.

Барча тирик қолган ҳайвонлар тадқиқот якунида декапитация усули билан ўлдирилди ва патоморфологик текширишдан сўнг йўқ қилинди. Ҳеч бир орган ёки тўқималар бошқа мақсадларда фойдаланилмади.

Шундай қилиб, ўтказилган токсикологик текширишлар «Қора седана» ва «Имбир» юмшоқ ва қаттиқ желатинли капсулаларни тиббий-биологик хавфсизлиги тўғрисида хулоса қилишга имкон беради.

Диссертациянинг «**Коронавирустан азият чекувчи беморларнинг овқатланиш статусини баҳолаш**» деб номланган тўртинчи бобида коронавирус билан азият чекувчи беморларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланишининг таҳлил материаллари келтирилган. Коронавирус беморларида ўтказилган анкета сўровномаси деярли барча сўровнома иштирокчиларида амалдаги овқатланиш тартибини бузилганлигини аниқлади. Ўтказилган таҳлил кўрсатдики, коронавирусли беморлардаги амалдаги овқатланиш умуман олганда мувозанатлашмаган ва маҳсулотлар

жамланмасининг иерархияси билан боғлиқдир. Рационлар нон-булочка, тегирмон-ёрма ва кандолат маҳсулотларининг устунлиги билан тавсифланади. Ҳар кунлик рационда янги ҳўл мева ва сабзавотлар бўйича овқатланиш меъёрининг бажарилмаслиги (рационда озукавий толаларнинг танқислиги 72%ни ташкил этади) фонида ёғ, туз ва шакар миқдорининг юқорилиги қайд этилади. Аниқланган камчиликларни ҳисобга олиш билан беморларнинг овқатланишидаги нуқсонлар қуйидагилар билан тушунтирилади: гўшт ва балиқ маҳсулотлари, сабзавот ва ҳўл мевалар ҳар икки мавсумда ўрнатилган меъёрлардан фарқ қилади. Овқатланиш рационидagi маҳсулотлар миқдорини ҳисоблаш кўрсатдики, коронавирусли беморларда гўшт ва гўшт маҳсулотлари қиш-баҳор мавсумида эркакларда  $45\pm 4,1\%$ , аёлларда эса  $36\pm 3,3\%$  ни ташкил этади. Сут маҳсулотлари орасида сут, пишлоқ, бринза, творог, кефир аниқ танқис ҳолатида бўлди. Балиқ ва балиқ маҳсулотларини жуда кам миқдорда истеъмол қилишлари аниқланди. Эркаклар ва аёллар гуруҳида сабзавотлар, полиз маҳсулотлари, ҳўл мевалар ва резавор меваларни истеъмолида аниқ етишмаслик ҳолатлари (меъёрдан деярли икки марта кам) аниқланди. Эркак ва аёлларнинг овқатланиш рационини биологик қиймати нуқтаи назаридан сифат бўйича тўлақонли эмаслиги билан тавсифланади.

Эркаклардаги асосий нутриентларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, қиш-баҳор мавсумида оқсиллар 87,9% ни, ёғлар - 104,9% ни, карбонсувлар - 112,6% ни ва аёллар мос равишда 69,0, 93,6 ва 121,7% оқсил ёғ ва карбонсувлар билан таъминланганлиги аниқланди. Ёз-куз мавсумида оқсиллар, ёғлар ва карбонсувлар билан таъминланганлик даражаси эркакларда 79,1-91,6-114,6%ни, аёлларда эса 88,2, 103,9 ва 108 % ни ташкил этганлиги аниқланган. Бунда макронутриентлар нисбати қиш – баҳор мавсумида эркакларда - 1:1,2:4,5, ёз – куз мавсумида 1:1,2:4,9, аёлларда эса 1:1,3:6 ва 1,1: 4,9 га тенг бўлди (5- жадвалга қаранг).

5-жадвал

Коронавирус билан хасталанган беморларнинг овқатланиш рационидa асосий озукавий моддаларнинг ўртача кунлик миқдори, М+m, (меъёрдан % ҳисобидан)

Кўрсаткичлар	меъёр	Эркаклар		Аёллар	
		қиш - баҳор	ёз - куз	қиш - баҳор	ёз - куз
Оқсиллар, г	118,0	103,7±18,6	93,4±15,2	74,6±15,2	95,3±15,2
Ёғлар, г	119,5	125,3±17,4	109,5±14,1	97,7±17,3	108,5±14,1
Углеводлар, г	561,2	631,9±25,1	643,2±25,4	540,5±21,3	479,2±25,4
